

**ЮНЕСКОНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
ВАКОЛАТХОНАСИ**

**Анора Содикова, Наргис Қосимова**

**АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ТҮПЛАМИ**

Журналистларнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
органлари билан ҳамкорлиги масалалари

**Baktria press  
Тошкент - 2019**

**УЎК 070(094.5)**

**КБК 76.01**

**С 75**

**Тақризчилар:**

Каримов А.А., ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг декани,  
ф.ф.н., доцент;

Бобожонова Г.Н., Ўзбекистон журналистларни қайта тайорлаш маркази  
директори

Муаллифлар: Анора Содикова, Наргис Қосимова

Мухаррирлар: Гулнора Бобожонова, Наргис Қосимова

Мазкур тўплам «ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН  
ОАВДА ЖАЗОЛАНМАСЛИК МУАММОЛАРИ» лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Лойиҳа ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Журналистларни қайта  
тайёrlаш маркази билан ҳамкорликда, Буюк Британия ҳукуматининг молиявий  
кўмагида амалга оширилмоқда.

Ушбу нашрда келтирилган номлар ва берилган маълумотлар бирор бир  
мамлакатнинг ҳуқуқий мақоми, худуди, чегаралари, шахар ва туманлари ёки  
уларнинг тегишли бошқарув органларига нисбатан фикр-мулоҳазалар  
ЮНЕСКОнинг расмий нуқтани назарини ифода этмайди.

Ифода этилган фикр ва қарашлар учун тузувчилар масъулдирлар. Уларнинг нуқтани  
назари ЮНЕСКОнинг расмий позициясига тўғри келмалиги мумкин ва бу  
Ташкилотга хеч қандай мажбурият юкламайди.



Ушбу тўплам Буюк Британияниг Ўзбекистондаги Элчинанасининг техник ёрдами  
асосида чоп этилган. Нашрда билдирилган фикрлар Элчинананинг расмий нуқтани  
назарини акс эттиrmайди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

Эргашев кўчаси, 9- ўй

100084 Тошкент, Ўзбекистон

Тел.: +998 781207116, Факс: +998 781207159

E-mail: tashkent@unesco.org

Web site: <http://www.unesco.org/new/ru/tashkent>

**ISBN 978-9943-5809-0-9**

© А. Содикова, Н. Қосимова, 2019

© Baktria press, 2019

© UNESCO, 2019

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ СҮЗИ.....</b>	<b>4</b>
<b>1-кейс.</b>	
<b>ИСТИРОХАТ БОГИДА УЧРАШГАН ЁШЛАР ЖУРНАЛИСТ НИГОХИДА.....</b>	<b>5</b>
<b>2-кейс.</b>	
<b>ЖУРНАЛИСТ «ТИЗЗАДАН ЮҚОРИ» ЙӨБКАЛАР ҲАҚИДА ГАПИРГАНДА.....</b>	<b>7</b>
<b>3-кейс.</b>	
<b>ХАЛҚАРО ТАЖРИБА. АҚШ, ТЕХАС ШТАТИ. ЛАРЕДОНИНГ КРИМИНАЛИСТ БЛОГЕРИ .....</b>	<b>9</b>
<b>4-кейс .</b>	
<b>АЁЛ ҚАЙНОТАСИНИ ЖИНСИЙ ТАЖОВУЗЛИКДА АЙБЛАДИ ЁКИ СУД ЗАЛИГА АЙЛАНГАН ТОК-ШОУ .....</b>	<b>10</b>
<b>5-кейс.</b>	
<b>ФУҚАРО ЖУРНАЛИСТНИ СУДГА БЕРИБ, ЮТИБ ЧИҚДИ .....</b>	<b>13</b>
<b>6- кейс.</b>	
<b>РУПЕРТ МЁРДОКНИ ИСТЕЙФОГА ЧИҚАРГАН ЖАНЖАЛ .....</b>	<b>15</b>
<b>7-кейс.</b>	
<b>ХОНАНДАНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚДАГИ ФАОЛИЯТИ ЖУРНАЛИСТЛАР ТОМОНИДАН АЙБЛАНДИ.....</b>	<b>17</b>
<b>8-кейс.</b>	
<b>СУВГА ТУШИРИЛГАН ФЕРМЕРЛАР ФОТОСУРАТИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ТАРҚАЛДИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ВА ЖУРНАЛИСТ-БЛОГЕРЛАР ТОМОНИДАН ҚОРАЛАНДИ .....</b>	<b>19</b>
<b>9-кейс.</b>	
<b>ФРАНЦИЯДАГИ ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ҚҰРБОНЛАРИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИГА ҚАРШИ ЧИҚИШДИ .....</b>	<b>21</b>
<b>10-кейс.</b>	
<b>ВАЗИР ЖУРНАЛИСТНИ СУДГА БЕРДИ.....</b>	<b>23</b>
<b>11-кейс.</b>	
<b>АКТРИСА ЯНГИЛИКЛАР САЙТЛАРИНИНГ БИРИ ҚИЛГАН ТУХМАТ ТУФАЙЛИ ТАҚИҚА ТУШИРИЛДИ.....</b>	<b>25</b>
<b>12-кейс.</b>	
<b>“ОЗОДЛИК” РАДИОСИНИНГ ЖУРНАЛИСТИ ЁЛҒОН ХАБАР ТАРҚАТИБ, ХОКИМЛИК ВА ШАХС ШАҢНИГА ПУТУР ЕТКАЗДИ.....</b>	<b>26</b>

## КИРИШ СҮЗИ

Ўзбекистонда журналистика соҳасида Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2018.18.04) ҳамда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (2018.19.04) қонунларига замон талабларига мос равища ўзгартиришлар киритилди. Х

Хўш, улар амалда қандай ишламоқда? Журналистлар ўз иш фаолиятлари давомида қанчалик қонун доирасида фаолият юритмоқдалар? Мазкур қонунлар журналистик фаолиятни тартибга солмоқдами?

Қўйида ушбу икки қонун моддаларининг Ўзбекистон ОАВида бузилиши ва ижобий вазиятларидан мисол келтирилади. Тўпламнинг иккинчи қисмида кўриб чиқилган кейслар таҳлил қилиниб, тавсиялар берилади. Мақсад – журналистлар ўз касбий фаолиятида билиб-билмай йўл қўяётган хатоларини ёрқин мисоллар ёрдамида тушунтириш ҳамда уларнинг халқаро, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик, касбий ахлоқ меъёрларини бузмаган ҳолда фаолият юритишга ундашдан иборат.

## **1-КЕЙС. ИСТИРОҲАТ БОҒИДА УЧРАШГАН ЁШЛАР ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА**

2018 йил 1 апрель куни Ўзбекистон мустақил телеканалларининг бирида эфирга кетган «Яширин камера» дастурида журналист Тошкент шахридаги истироҳат боғларини айланиб севишган жуфтликларни тасвирга олди. Репортаж мавзуси «истироҳат боғларида ўпишиб, кучоқлашиб юрган ёшларни танқид остига олиш» эди. Журналистлар яширин ва очик ҳолда камера билан истироҳат боғлардаги ўриндиқларда кучоқлашиб, ўпишиб, ўтирган ёш йигит-қизларнинг юзларини мозаика билан беркитилган тарзда кўрсатиб, уларнинг «салбий» хаттиҳаракатлари катта ёшдаги инсонларнинг интервьюлари орқали қораланди.

Респондентлар асосан ёшлар ҳақида салбий фикр-мулоҳазалар билдиришди. Ўзларини камерага тушаётганларини пайқаган ёшлар кадрдан қочишга уринишиди. Журналист улардан интервью олишга ҳаракат қиласада, бироқ «айбдор» ёшлар интервью беришдан бош тортишди. Репортаж давомида журналист кучоқлашиб ўтирган ёшларни маънавиятсизликда, бузуклик ва ахлоқсизликда айблади. Журналистнинг истироҳат боғида тайёрлаган мазкур репортажида телетомошабин у ерда кучоқлашиб ўтирган ёшлардан уларни тасвирга олиши ҳақида рухсат олмагани ёки огоҳлантирумганини сезиши мумкин эди. Репортажнинг кизиқ чикиши ва биринчи галда аудиторияни материалга жалб этишни ўйлаган журналист ёшларнинг ортидан қувиб, уларга «Ўпишибга уялмадингиз, камерадан нега уяласиз?» каби саволларни бериб, уларни тарбиялашга уринган ҳолда, «Уялмайсизми? Бу нимаси?» каби сўзларни ишлатиб, «Эртага ўзингизни шу уятли ҳолатингизни ТВ орқали кўрасиз», дея огоҳлантирган.

Мазкур репортаж эфирга берилишидан аввал у қисқа ролик тарзда Facebook ижтимоий тармоғига жойланди. Унда телеканал журналистлари «Шармандали ёшлар муаммоси кўтарилиди» сарлавҳаси остида анонслар берилиб, улар кенг муҳокамага сабаб бўлди. Журналистик материалга нисбатан одамлар томонидан салбий ва ижобий муносабатлар билдирилди.

**Журналистлар ушбу репортажни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ОАВ соҳасига тегишли миллий ва ҳалқаро қонунчилик ҳужжатларини қўпол равиша бузганлар.**

### **Хусусан:**

1. Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларациясининг (1948 йил 10 декабрь, 217 А (III) 12-моддасида «ҳеч кимнинг шахсий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш мумкин эмас» дейилиб, мазкур норма Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида тўлиқ имплементация қилинган.  
**12-модда.** Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидағи сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки **тажовуздан** қонун орқали химоя қилиниш ҳуқуқига эга.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида «ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлиги», 27-моддасида «шахсий ҳаётига аралашишдан химояланиш ҳуқуки» кафолатланган.

**27-модда.** Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига килинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралashiшдан химояланиши ва турар жойи дахлизлиги ҳукукига эга.

3. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг **13-моддасига** мувофиқ, «жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига таалуқли ахборотдан фойдаланишга йўл қўйилмайди».

4. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг **6-моддасига** асосан, «оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиш» тақиқланади.

5. «Журналистик фаолиятни химоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг **6-моддасига** кўра, «ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини хурмат қилиши шарт». Журналист ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига таалуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас.

2018 йил 4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўзининг Facebookдаги сахифасида шу кўрсатувга нисбатан ўз муносабатини билдирган.

Унда:

Нодавлат телерадиоканаллар Хартиясида журналистларнинг касбий бурчини бажаришда инсонларнинг ахлоқий, жисмоний ва руҳий соғлиғига заарар етказиши мумкин бўлган телерадиокўрсатувларни оммага узатишида рухсат этилган чегарани ва касбий этикани эътиборга олиш қайд этилган. Ушбу Хартия журналистлар томонидан умумий ахлоқ меъёрларини илгари суриш жараённада чукур инсонийлик, тарбиявийлик, шахснинг шаъни ва қадр-кимматини хурмат қилиш орқали амалга ошириш мажбуриятини назарда тутади. Шу каби меъёрлар «Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг профессионал журналисти» ахлоқ кодексида ҳам ўрнатилган.

Учинчидан, ўсиб келётган авлод келажаги учун, уларни бой тарихий-маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш мухимдир. Шу билан бирга, ахлоқ-одоб қоидалари жамиятда фуқароларнинг дунёкараши, эътиқоди, шахсий фазилатлари ва бошқа омиллардан келиб чиқиб шаклланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги эфирда узатилган мазкур репортажга муносабат билдириб, ўз баёнотида тарбия мухимлигини, лекин бу инсон ҳукуқлари бузилиши ҳисобига эришилишига йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этади. Адлия вазирлиги телеканал орқали кўрсатилган кадрларда «ёшлар хулқ-авторида амалдаги қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлмай, бунда ОАВ вакилларининг ҳаракати уларнинг етарлича касбий тайёргарликка эга эмаслигини кўрсатади. Инсон ҳукуқлари олий қадрият эканини инобатта олган ҳолда, ОАВ вакиллари фуқароларнинг шахсий ҳукуқ ва эркинликларини хурмат қилишлари лозим», деган фикрни билдирган.

Мазкур кўрсатув юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ҳам фикр билдириб, унда фуқароларни истироҳат боғида ўпишиб ўтириши қонун билан чекланмаганлиги ҳамда кўнгилочар ва дам олиш масканларида «ўпишиш, қучоклашиш тақиқланади» деган қоидалар кўрсатилмаганлиги сабабли ушбу ёшларга нисбатан чора кўриш ёки уларни безовта қилиш қонунга зид эканлиги баён қилинади.

Ушбу репортаждан сўнг Ўзбекистондаги машҳур янгиликлар сайтларининг бирида «Сайёр камера» кўрсатуви қаҳрамонига айланган киз ўз жонига қасд қилишга урингани ҳақида хабар берилди. Айнан шундай кўнгилсиз вазиятлардан қочиш учун журналист мазкур мавзуни ёритишида фуқароларни ўзидан рухсат сўрамасдан уларни оммага намойиш этмаслиги керак эди. Бу вазиятда журналист фақатгина истироҳат боғлардаги ахлоқсизликлар ҳақида турли ёшлардаги одамлар фикрини ўрганиши ва уларни эфирга олиб чиқиши ўринли бўларди.

### **Тасвиялар:**

Журналист ҳар қандай жамият учун нозик масала бўлган ахлоқий меъёrlар ҳақида кўрсатув тайёрлар экан, аввало у инсон хуқуқларини поймол этмаслиги керак. Журналист ТВ ёки бошқа бир ОАВ орқали «уялмайсизми?», «қандай ишлар қилиб юрибсиз?» каби сўзлар билан фуқароларни тергаш ёки уларга танбех бериш хуқуқига эга эмас. Қолаверса, ҳар кимнинг шахсий ҳаёти дахлсиз ва у ТВ учун очик мавзу бўла олмайди. Шу сабабли:

- Журналист тайёрлаган материал ортидан фуқарога жисмоний ва маънавий зиён етмаслиги, унинг шахси обрўсизланиши керак эмас;
- Уятли вазиятда тасвирга олинган фуқароларнинг юзи журналист материалида мозаика билан яширинган бўлсада, уларни яқинлари таниб олиши хавфи бор. Қолаверса фуқароларнинг ўзидан рухсат сўрамасдан уларни тасвирга олиш тақиқланади;
- Журналист томонидан ахлоқсизлиқда айбланган фуқаролар амалдаги қонунчилик нормаларини бузмаганлар. Шундай экан журналист уларни очикойдин айблашга ҳак-хуқуқи йўқ эди. Журналистга бирорни тарбиялаш, тергаш хуқуқи берилмаган. У фуқароларни (ахлоқи бузук бўлсада) хурмат қилиши шарт;
- Журналист фақатгина одамларнинг фикри (турли ёш ва миллатдаги), дин вакилларининг воқеага муносабати орқали ушбу вазиятни ахлоқ меъёrlарига зид эканини очиб бериши лозим;
- Истироҳат боғида ўпишиб ўтирганларга нисбатан очик, демократик фикрловчи ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилган ҳолда мулоҳаза юритувчи икки хил дунёқарашли респондентлар фикри олиб чиқилиши мақсадга мувоғик бўлиб, репортажда холисликни сақлаш имконини берган бўлар эди.

### **2-КЕЙС. ЖУРНАЛИСТ «ТИЗЗАДАН ЮҚОРИ» ЮБКАЛАР ҲАҚИДА ГАПИРГАНДА**

Ўзбекистон миллий телерадиокампанияси телеканалларининг бирида Халқаро пресс-клуб ва «Ёшлиар» телеканали билан қўшма лойиҳаси намойиш этилди. Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги кўрсатувига меҳмон сифатида давлат таълим тизими раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар таклиф этилган эди. Кўрсатувнинг бошида Ўзбекистон халқ таълими тизимидағи камчиликлар, муаммолар ўртага ташланган. Журналист таълим тизимидағи камчиликлар ҳақида гапирад экан, бугунги кунда Тошкент шаҳрининг умумтаълим мактабларининг олд кисми аксарият ҳолатларда тирбанд бўлиши, бунинг асосий сабаби сифатида мактаб ўқувчиларининг таълим

муассасаси эшигигача машинада келишни исташлари қўрсатилди. Шунингдек, қўрсатувда кўпгина мактаб ва коллежларда ўкувчи қизлар тиззадан юкори юбка кийишлари, ортиқча пардоз қилишларини танқид остига олинган. Бунга қўрсатувда қатнашган Халқ таълими вазири ҳам қўшилиб, бу йилдан мактаб формалари жорий қилингани ҳақида гапиргач, журналист «Ёшлар» телеканали томонидан тайёрланган лавҳага йигилганларнинг эътибор қаратишларини сўраган.

Телелавҳа юкорида келтирилган мактаб яқинида тасвирга олинганда журналист репортаж қаҳрамонлари, яъни ўкувчи ва ота-оналардан рухсат олмаганини сезиш мумкин. Кадрда турли машиналардан мактаб олдида тушиб қолаётган ўкувчилар ва уларга изоҳ сифатида журналистнинг ота-оналар фарзандларини ҳаддан ташқари эркалатиб юборганилклари ҳақидаги гапларини тинглаш мумкин. Лавҳа давомида яна тор юбка кийган мактаб ўкувчиси ва худди шундай кийинган коллеж талабалари тасвиранади. Журналист кадр ортидан уларни ахлоқсизликда айблайди. Кадрда юзлари очиқ ҳолатда қўрсатилган ёш қизларга журналистнинг очиқдан-очиқ салбий муносабати билдирилган. Лавҳа якунида Халқаро пресс-клуб меҳмони бўлган Халқ таълими вазири мактабларда формаларни жорий қилиш зарурлиги борасида фикр юритган.

Қўрсатув эфирга кетгач, журналист томонидан ахлоқсизга чиқарилган ўкувчиларнинг ота-оналари ва ёшлар ўз норозиликларини билдиришган. Хусусан, янгиликлар сайтларида қўрсатувда фарзандлари намойиш этилган ота-оналар Халқаро пресс-клуб раисини судга бериш ниятида эканликларини айтишган. Қўрсатувда бевосита қатнашган Халқ таълими вазири ҳам орадан бир кун ўтиб, ахборот агентликлари ва янгиликлар сайтларида Халқаро пресс-клубнинг ушбу репортажини танқид килиб, фикр билдирган. У журналистларни қонунни бузганликда ва ҳеч ким оммавий тарзда кимнидир таҳқирлашга, ҳақоратлашга ҳаққи йўқлигини айтган.

Ушбу қўрсатувда халқаро ва Ўзбекистон қонунчилигидаги бир қанча меъёrlар қўйпол равишда бузилган.

### **Булар:**

1. **Бола ҳукуклари тўғрисида конвенция (1989 йил 20 ноябрь)** Ўзбекистонда 1994 йил 29 июлдан кучга кирган.

**16-модда.** 1. Бирорта бола унинг шахсий ҳаёти, оилавий ҳаёти, уй-жой дахлсизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарсаларнинг маҳфилигига бўлган ҳукуки амалга оширилишига ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равишда аралашиш ёхуд унинг шаъни ва обрўсига гайриқонуний тажовуз қилиш объекти бўлиши мумкин эмас.

2. **Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь, 217 А (III)).** Декларациянинг **12-моддасида** ҳеч кимнинг шахсий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш мумкин эмаслиги қўрсатилиб, мазкур норма Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига тўлиқ имплементация қилинган.

**12-модда.** Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳукуқига эга.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **25-моддасида** ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлиги, **27-моддасида** шахсий ҳаётига аралашишдан химояланиш хукуки кафолатланган.

**27-модда.** Ҳар ким ўз шаъни ва обўсига килинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан химояланиш ва тураг жойи дахлсизлиги хукуқига эга.

4. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг **13-моддасига** мувофиқ, «жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллукли ахборотдан фойдаланишга йўл қўйилмайди».

5. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг **6-моддасига** асосан, «оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади».

6. «Журналистик фаолиятни химоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг **6-моддасига** қўра, «ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чогида журналист шахснинг хуқуқлари ва эркинларини хурмат қилиши шарт».

«Журналист ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллукли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас». Шу билан бир қаторда, қонунга қўра, вояга етмаган шахслардан интервью олишдан, тасвирга туширишдан аввал уларнинг ота-онасидан ёзма рухсатнома олиш лозимлиги кўрсатилган.

#### **Тасвиялар:**

- Журналист мактабдаги формалар муаммосини кўтаришда мактаб ўқувчилари, ота-оналарнинг фикрлари, интервьюлари ва тегишли мутасаддилар, Халқ таълими вазирлиги томонидан билдирилган муносабатлар билан чекланиши керак;
- Журналист мазкур вазиятни таҳлил этишда барча ахлоқий меъёрлар ва касб этикасини бузиши кечирилмас ҳолат бўлиб, тасвирда юзи аниқ кўрсатилган, вояга етмаган болаларни камситмаслиги лозим;
- Журналист мазкур вазиятда фақатгина воқеа қатнашчилари фикрларини йигиб, холис ахборот тарқатиш зарурдир.

#### **3-КЕЙС. ҲАЛҚАРО ТАЖРИБА. АҚШ, ТЕХАС ШТАТИ. ЛАРЕДОНИНГ КРИМИНАЛИСТ БЛОГЕРИ**

Журналист ўзининг Facebook ижтимоий тармоғида эълон қилган хабари учун хибсга олинган. Бу воқеа 2017 йил 17 декабрь куни содир этилган бўлиб, у расмий маълумотдан нотўғри фойдаланган, деб топилади.

Техаснинг Ларедо шаҳарчасидаги жиноий ишлар ҳақида маълумот бериш билан машхур бўлган журналист ўзининг 80 мингдан ортиқ фолловерларига эга бўлган Facebook саҳифасида ўз жонига қасд қилган ҳарбий аскар исмини штат полицияси расмий маълумотидан аввалроқ ошкор қиласди. Техас штати қонунчилигига қўра, бир ташкилотдан олинган маълумотларни бошқа ташкилотга зарар етказиш максадида ошкор қилиш тақиқланади. «Ларедо морнинг таймс» газетасининг ёзишича, журналист маълумотни полиция ходимиidan олган. Журналист устидан арз қилган ташкилот уни ҳарбий ташкилотнинг сир сакланиши керак бўлган маълумотини эълон

қилганликда ва бу орқали ўзининг Facebook саҳифасидаги фолловерларни кўпайтиришда фойдаланганликда айблайди.

Журналист жиной иш тафсилотлари ҳакида ўз саҳифасида маҳаллий газеталардан ҳам олдинроқ хабар берган эди. Техас штати Жиноят кодексига кўра, у расмий (махфий характерга эга) маълумотдан нотўгри фойдаланишда, уни сунистъемол қилишда айбланди. («Нотўгри фойдаланиш» - бу ўринда бошқа ташкилотга ёки шахсга қасдан зарар етказиш мақсадида фойдаланиш назарда тутилмоқда).

Журналист ўзига нисбатан кўзгалган айбловларни асоссизлигини айтиб, нима учун маҳфий маълумотни ошкор этган полиция ходимиға нисбатан жиной иш кўзгатилмагани билан қизикади. Техас штати судъяси ҳам журналистга нисбатан кўзгатилган «расмий маълумотдан нотўгри фойдаланиш» борасидаги айбловни асоссиз ва АҚШ Конститутциясига зид деб топади. Техас штатининг бир қанча нашрлари ҳам журналистни оқлаб чиқадилар.

Мазкур вазиятда журналистни айбдор деб топилиши АҚШ Конститутциясига киритилган биринчи тузатишга зид ҳисобланади. Биринчи тузатишда Конгресс фикр ва матбуот эркинлигига қарши бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишга ҳақли эмаслиги келтирилади.

#### **Тавсиялар:**

- Журналист ҳар қандай йўл билан расмий маълумотга эга бўлгач, бу хабар ортиқ сир ҳисобланмайди. Шу ўринда уни эълон қилиш ҳам қонунга зид эмас. Бундай вазиятда маълумотни ошкор килган ташкилот ходимлари жавобгарликка тортилиши зарур;
- Техаснинг бир қанча нашрлари ва «Washington Post» газетаси журналист ҳимоясига ўтиб, у ҳеч қандай қонунчиликка зид хатти-харакат қилмаган, деб топишган. Мазкур холатда журналист эмас, балки полиция ходимиға нисбатан жазо чоралари кўрилиши лозимdir.

### **4-КЕЙС. АЁЛ ҚАЙНОТАСИНИ ЖИНСИЙ ТАЖОВУЗДА АЙБЛАДИ ЁКИ СУД ЗАЛИГА АЙЛАНГАН ТОК-ШОУ**

«Ўзбекистон» телеканали орқали эфирга узатилган ток-шоуси Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Кўрсатувга таклиф этилган қаҳрамон оиласидаги зўравонликдан азият чеккани ҳакида интервью берди. Мазкур холат Ўзбекистон телевидениеси тарихида биринчи маротаба рўй бериб, аёл эфир орқали жинсий зўравонликнинг мавжудлиги ҳакида илк маротаба очиқ сўзлаши эди. Вазият жуда қалтис бўлиб, кўрсатувга келган аёлга бошловчилар журналистик ахлоқ меъёрларига риоя килган ҳолда ёндошуви лозим эди.

Ток-шоу бошловчилари аёлни саволга тутиб, унга бўлиб ўтган воеа ҳакида очикроқ ва тўлиқроқ тавсиф беришга имконият яратишиди. Кўрсатув қаҳрамонлари тўқима эмас, ҳаётий бўлиб, уларнинг юзлари беркитилмади (шахси яширилмади). Аёл уйда қайнотаси томонидан жинсий тазиикқа учрагани ҳакида оммага очиқ-ойдин ҳикоя қилиб берди. Аёлга бошловчилар билан бирга ток-шоу қатнашчилари ҳам

саволлар беришди. Аёл ўзини ҳимоя қилган ҳолда қайнотасини унга жинсий тазийк ўтказганлиқда айблади. Аёл воқеа тафсилотларига берилар экан, эфирда кўз ёшларини ҳам тутиб тура олмади. Ток-шоу бошловчилари кўрсатув сўнгтида аёлни ўз муаммолари ҳақида очик сўзлай олган қаҳрамонга айлантиридилар. Шу билан бирга унга оиласиб зўравонликдан азият чеккан мазлум сифатида қарадилар. Ток-шоу сўнгти хулосасида аёл мазлумга, қайнота эса айбдорга айлантирилди. Салбий қаҳрамон сифатида кўрилаётган қайнота эса токшоуда иштирок этмади. Унга ўзини оқлашга ёки воқеа тафсилотлари ҳақида гапиришга имконият берилмади. Журналистлар мазкур воқеага факат бир тарафлама ёндашиб, воқеа қатнашчиларининг ҳар биридан холис ахборот олишмади.

Маълум бўлишича ушбу кўрсатув эфирга узатилгач, аёл жинсий зўравонликда айبلاغан қайнотанинг шахсий ҳаётида жиддий муаммолар бўлган. Эфирда очик шахси камситилган эркакнинг фарзандлари ҳам ушбу кўрсатувдан кейин муаммоларга дуч келишган. Яъни журналистнинг фақат бир томоннинг фикри билан кимнидир айбдор қилиши бир-нечта оиласарнинг тинчини бузган. Жинсий тажовуз қилганлиқда айбланган қайнота ток-шоу муаллифларидан раддия беришни сўраган. Унинг шахсиятига тегиб, оммавий тарзда қадрсизлантирганликлари учун кўрсатув ижодкорларини судга беришини маълум қилган. Шундан сўнг, оммада тажовузкор, «уютсиз» эркак сифатида гавдаланган қайнота ток-шоу меҳмони бўлди. У юзини беркитган ҳолда эфирга чиқиб келининг бундай муносабатда бўлмаганини, унга нисбатан зўравонлик, шилқимлик қилмаганини айтади. Ток-шоунинг иккинчи қисми ҳам аввалгидек яна шов-шуввларга сабаб бўлди. Эркакка ўзини оқлашга имконият берилди. Аммо у одамларга салбий қиёфада танилиб улгурган эди.

Мазкур кўрсатув эфирга кетгач, Олий Мажлис депутати Расул Кушербаев ОАВ орқали чиқиши қилган. У ток-шоу бошловчиларини касбий малакаси йўқлиқда айبلاغан.

Депутатнинг қайд этишича:

- журналистик материал инсонни шарманда килишга, уни обрўсизлантиришга қаратилмаслиги керак;
- мазкур вазиятда қайнотанинг айби суд орқали исботланмаган, у айбдор деб топилмаган;
- журналистлар ўша воқеани гувоҳи бўлишмаган;
- суд орқали айби исботланмаган, шахси ошкор кўрсатилаётган фуқарога нисбатан оммада нафрат уйғотишга журналистнинг ҳаққи йўқ;
- журналистик материалнинг биринчи омили инсон бўлиши лозим. Биз инсон хукуқлари олий қадрият бўлган демократик жамиятда яшамоқдамиз. Шундай экан, журналист эфирда шахси очик ошкор этилаётган фуқароларни суд қилиб, уни салбий қаҳрамонга айлантиришга ҳақли эмас.

**Ток-шоуда ҳалқаро қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг айрим моддалари қўпол равишда бузилган.**

### **Булар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, **26-модда**: «Жиноят содир этганлиқда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора

кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айборд ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади..... ».

2. Конунчилигимизда «Айбизизлик презумпцияси» тушунчаси мавжуд. У Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг **23-моддасида** белгилаб берилган: «Айбизизлик презумпцияси» деб номланиб, унда айтилишича, «гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбордлиги қонунда назарда тутилган тартиба исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд хукми билан аниқлангунга қадар айбизиз ҳисобланади.... Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизизлигини исботлаб бериши шарт эмас..... Айбордликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак».

Ушбу қоида барча жиноят ишлари учун умумий бўлиб, суд карори чиқарилгунга қадар ҳеч бир гумондор, ҳаттоқи оғир жиноят устида қўлга олинган бўлса ҳам, муайян жиноят бўйича айборд деб, эълон қилиниши мумкин эмас.

3. Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясининг (1948 йил 10 декабрь, 217 А (III)) **12-моддасига** назар ташлаймиз: «Ҳеч кимнинг шахсий ва оиласи ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидан сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳукуқига эга». Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига тўлиқ имплементация қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **25-моддасида** қайд этилишича, «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳукуқига эга. .... ». **27-моддасида** эса «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳукуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас» дейилади.

5. Шунингдек, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг **6-моддаси** «Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда сунистъмолларга йўл кўйилмаслиги» деб аталиб, унда «... Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади...» дейилади.

6. «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Журналистнинг мажбуриятлари» деб номланган **6-моддасига** кўра, «Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириши чогида журналист:

- Қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;
- Ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

- Айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши; журналистика соҳасининг сирини ошкор этмаслиги; журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши; шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаънива қадр-кимматини ҳурмат қилиши шарт.

*Журналист ўзкасбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбай ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзии воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас»-лиги қайд этилган.*

### **Тавсиялар:**

- Журналистиканинг энг асосий тамойилларидан бири бўлган холислик ва тўғри ахборот етказиш ҳар қандай журналист фаолиятининг асосини ташкил этиши лозим. У тарқатаётган хабар ёки маълумотнинг тўғрилигини бир неча манбадан тасдиқлатиб олиши даркор;
- тележурналистлар воқеани аудитория эътиборига ҳавола этмасдан олдин, журналист суриштирувини ўтказиб, муаммони аниқлаши ва кейин ток-шоу жараёнида қаҳрамонга сўз бериб, уни олдин ўтказилган суриштирув натижалари асосида ҳар томонлама шарҳлашлари лозимdir;
- журналист кимнидир обрўсизлантиришга ёки айбдор санаб, суд қилиши мумкин эмас. Ток-шоу журналистлари юкорида келтирилган журналистиканинг энг асосий тамойилларига амал қилишмаган. Қайнотасини айблатган келиннинг сўзлари ростлигига ким кафолат беради? Келинга ўзини оқлаш ва бировни қоралаш имкони берилдими, иккинчи тараф қайнотани ҳам ток-шоуга чакирилиши, қайнотага ҳам микрофон тутиш керакdir;
- Вазиятни бир тарафлама ўрганган ва факат бир тарафга «микрофон тутган» журналистлар нохолис ахборот тарқатдилар. Оқибатда бир фуқаро омма олдида суд қарорисиз, бир кишининг субъектив фикри билан айбдорга айланди. Аудиторияга кундалик энг долзарб хабарларни етказиб бериш баробарида, унинг холислиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадга мувофиқdir;
- Холислик ва ҳаққонийликка қатъий риоя қилинmas экан, исталган ахборот воситасининг обрўсига путур етади. Энг муҳими, соҳа ходимлари ҳар бир кўрсатувни тайёрлар экан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши керак;
- Ўзбекистонда журналистнинг касб ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш даври келди. Ривожланган давлатларда журналист этикаси, ахлоқ қоидаларига оид меъёрий-хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилган. Бу тажрибани юртимизда ҳам татбик этиш вақти келди.

### **5-КЕЙС. ФУҚАРО ЖУРНАЛИСТНИ СУДГА БЕРИБ ЮТИБ ЧИҚДИ**

2018 йили Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтида «Шайхонтоҳурда экстремист аёл қўлга олинди» сарлавҳали хабар эълон қилинди. У тез орада бошқа сайтларга ҳам тарқалди. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги

Вазирлар Маҳкамасининг 21.04.1992 йилдаги қарорига биноан Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий манба ҳисобланади. Мазкур сайт хабарлари ишончли ва

жиддий аҳамиятга эга. Хабар тез орада бошқа сайтларда ҳам кўрина бошлади. Мақолада келтирилишича, фуқаро тақиқланган «Ҳизб-ут тахрир» диний экстремистик ташкилотига алоқадор варака тарқатоётган пайтда хибсга олинган. Бироқ унга суд томонидан «экстремист» айблови кўйилгани ҳақида маълумот йўқ. Мақолада аёл ИИБ томонидан кўлга олинган ва айни дамда бу иш юзасидан жиноят иши қўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётгани маълум килинган. Демак, аёлга нисбатан суд айблов кўймаган. «Экстремист» сўзи фақатгина журналист томонидан қўшилган ва фақатгина сарлавҳада қайд этилган. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларига кўра, ҳар қандай шахс, у қандай жиноят устида кўлга олинишидан катъи назар, токи суд хукми чиқмас экан, айборд ҳисобланмайди. Ярим бетлик кичкина хабарга кўра, бир инсон айбордга айланниб колган. Журналист фуқаро варака билан кўлга олиндими демак, у экстремист деган хуносага келган ва буни оммавий тарзда эълон қилган. Мақола эълон қилингач, экстремистлика айбланган аёл мазкур хабар муаллифини судга берди, ҳамда суд орқали маънавий зарар учун тўлов ундиришга эришиди. Мазкур хабарда Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунлари моддалари қўпол равишда бузилган.

### **Хусусан:**

1. **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 26-модда:** «Жиноят содир этганинда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айборд ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади...». Конунчилигимизда «Айбизлик презумпцияси» тушунчаси мавжуд. Ўзбекистон худудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг **23-моддаси** «Айбизлик презумпцияси» деб номланади.

2. **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 23-модда:** «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбордлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд хукми билан аниқлангунга қадар айбизиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбордликка оид барча шубҳалар, баҳарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётгандан келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак».

3. **«Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг **6-моддасига** мувофиқ, айбизлик презумпцияси принципига амал қилиши журналистнинг мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, «Ўз касбига доир фаолиятини амалга ошириши чогида журналист:

- қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари талабларига риоя этиши; ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;
- айбизлик презумпцияси принципига амал қилиши; журналистика соҳасининг сирини ошкор этмаслиги; журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ

*қоидаларига риоя этиши; шахсинг ҳуқуқлари ваэркинликларини, шаъни ва қадр-кимматини ҳурмат қилиши шарт.*

*Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахсинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзии воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас»-лиги қайд этилган.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 139- моддасига* кўра «...Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш» ва 140-моддасига «...Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат қилиш...» жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

4. *«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»*ги Ўзбекистон Республикаси қонуни хам журналист олдига муайян талабларни кўяди. Қонуннинг 6-моддасига мувофик, «...оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадркимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашиб тақиқланади. Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма руҳсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади».

### **Тавсиялар:**

- Хабар журналистиканинг янгиликлар жанрлари туркимиға кириб, унда ҳиссиятларга берилишга йўл қўйилмайди. Хабарда маълумот объектив ҳолда етказилиши керак;
- Хабар ўта оғир жиноят устида ушланган кимса ҳақида бўлсада, журналист уни «жиноятчи» деб аташга ҳақли эмас. Қонун хужжатларида келтирилганидек, тахмин қилиш, кимнидир жиноятда гумон қилиш мумкин эмас. Миллий ахборот агентлиги хабарида журналист аёлни варақа тарқатганини ҳолис етказиши лозим эди;
- Хабар ёзиш қоидасига кўра журналист ўз шахсий фикридан қочиб, маълумотни тўлалигича, ўзгаришишларсиз оммага етказиши керак;
- Журналист суд қарорисиз фуқарони айблаши, жиноятчи, экстремистга чиқариши тақиқланади. Журналистларимиз бу каби мавзуларда ўз тахминларидан қочишлари тавсия этилади.

## **6- КЕЙС. РУПЕРТ МЁРДОКНИ ИСТЕҲФОГА ЧИҚАРГАН ЖАНЖАЛ**

Одамларнинг шахсий ҳаётига аралашиб жиддий масала. Ҳеч кимнинг бирорнинг шахсий ҳаётига аралашибга ҳакқи йўқ. Айнан шу шахсият масаласи туфайли хам Руперт Мёрдокнинг 168 йилдан бери нашр этилаётган *«News of the World»* газетаси 2011 йил 7 июль куни тамомила ёпилган. Сабаби, жамоатчилик нашрдан норози бўлган. Бирин-кетин унинг реклама берувчилари шартномаларни бекор қилгац, Мёрдок юз йилдан ортиқ умр қўрган газета ёпилажагини эълон килади.

## **Воқеа шундай бошланган эди...**

2011 йилда «**News Corporation**» корпорациясининг шўъба корхонаси бўлган «**News of the World**» ва Британиянинг «**News International**» нашрлари халқаро катта ижтимоий – сиёсий жанжал манбасига айланадилар. Аслида жанжалга туртки бўлган вазиятлар корпорацияда бир неча йиллардан бери давом этиб келган. Нашриётнинг журналист ва ходимлари ўзгалирнинг телефон қўнгироқларини яширинча эшишиб борганилар ва хуфёна маълумотларни ноқонуний йўл билан қўлга киритишда айблангандар. Текширувлардан маълум бўлишича, улар нафакат машҳурлар ва Британия қироллик оиласи балки, шахслари дахлсиз бўлган фуқароларни ҳам телефон қўнгироқларини яширинча кузатишган. Мисол учун, 2011 йилда ўлдириб кетилган ўқувчи қиз, 2005 йил 7 июлдаги Лондондаги террорчилик харакатларининг курбонлари ҳамда ҳалок бўлган Британия аскарларининг яқин қариндошларининг телефон орқали шахсий сухбатларини ҳам кузатиб боришган. Ушбу маълумотлар оммалашгач, жамоатчиликда Руперт Мёрдок раҳбарлигидаги корпорацияга нисбатан норозиликлар кўпаяди. Оқибатда корпорацияда раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган ходимларнинг бир нечтаси «ўз хоҳиши»га кўра ишдан бўшатилди. Таникли медиамагнат Руперт Мёрдок ҳам истеъфога чиқди. У ноқонуний телефон қўнгироқлари кузатувларини била туриб, бунга кўз юмғанлиқда айбланганд. Корпорация директори Руперт Мёрдок билан биргаликда, унинг муовини бўлган ўғли, халқаро янгиликлар бўлими менежери ва бир қанча бўлим мухаррирлари ишдан четлатилган. Пора олганликда айбланганд Лондон полиция комиссарияти раҳбарлигига ҳам бир нечта раҳбарлар ишдан олинган.

«**News Corporation**» корпорацияси расмий равишда актисадан унинг телефоны орқали сухбатларини ноқонуний кузатгани учун оммавий тарзда узр сўради. Шундан сўнг, Жеймс Мёрдок 2011 йил 7 июль куни нашрнинг бошқа чоп этилмаслигини эълон қилди. Оқибатда 200 нафарга яқин газета ходимлари ишсиз қолади. Нашрнинг сўнгти сонидан тушган маблағ эса ҳайрия учун сарфланади. Мазкур ҳолат бўйича журналистлар томонидан қўйидаги халқаро қонунчилик бўйича шахснинг ҳуқуқлари бузилган.

Хусусан, шахс дахлсизлиги барча демократик давлатларнинг олий қадрияти ҳисобланади ва қонун билан ҳимояланади. «**News International phone hacking scandal**» номи билан машҳур бўлган воқеада айнан шахс дахлсизлигига таҳдид қилинган эди. Фуқароларнинг телефон орқали шахсий сухбатларини эшишиб боришига журналистнинг ҳаққи йўқ. Бунда маълумотларни ноқонуний йўл билан қўлга киритиш ҳамда шахс дахлсизлиги тамойиллари бузилади. Халқаро қонунчиликда хусусан, «**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси**»нинг (1948 йил 10 декабрь, 217 А (III) 12-моддасида «Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидағи сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга», дея қайд этилган. Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига тўлиқ имплементация қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига кўра, «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан

ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари биронинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас».

#### **Тавсиялар:**

- Журналист текширувлар олиб боришда, маълумотларни кўлга киритишда мавжуд қонун қоидалар доирасида фаолият олиб бориши лозим. Маълумотлар қанчалик зарур бўлмасин, журналист фуқароларнинг шахсий ҳаётига даҳл қилишга ҳақли эмас;
- Журналист полиция ходими эмас, унга шахс ҳақида маълумотлар зарур бўлса, буни полиция ёки хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда, қонуний равишда олиши зарур;
- Воқеани холис ёритиш ҳар бир журналист бурчидир, ОАВ вакиллари буни унутмасликлари лозим;
- Журналист касбий ахлоқ меъёrlарига ҳар қандай шароитда ҳам риоя қилиши керак.

#### **7-КЕЙС. ХОНАНДАНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚДАГИ ФАОЛИЯТИ ЖУРНАЛИСТЛАР ТОМОНИДАН АЙБЛАНДИ**

2019 йил 15 февраль куни республикада кўзга кўринган кўнгилочар босма нашрлардан бирининг сайтида таникли хонанда ҳақида мақола эълон қилиниб, унда кўшикчининг Instagram ижтимоий тармоғидаги ўз сахифасида турмуш ўртоғи билан соҳида бир-биридан бўса олаётгани акс этган суратини жойлаштирганлиги таҳлил этилди. «...Менталитетимизга кўра, тунда, болалар ухлаганидан сўнг қилинадиган иш бутун оламга намойиш этилди. Яна бунинг устига бу намойишдан хонанада заррача хижолат тортаётгани йўқ. Буни унинг расм ёнига ёзиб қолдирган изоҳидан ҳам билиб олиш мумкин», дейилади нашр тарқатган хабарда. Мақолада хонанданинг хатти-харакатига нисбатан «шармандагарчилик» дея тамга кўйилади ва «жамиятда беҳаёликни авж олдиришга ҳисса қўшиб кўйиши мумкинлиги» айтилади. Ушбу мақола бошқа қатор янгиликлар сайтларида ҳам қайта чоп этилди.

Мазкур мақола орқали журналист Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонун моддаларини бузган.

#### **Хусусан:**

1. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида** қайд этилишича, «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга...».

**27-моддасида** эса «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари биронинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас» дейилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг **13-моддасига** мувофиқ, «Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишида руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиши йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар маҳфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек, шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, поча, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашига, сақлашига, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжасатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек, уларнинг ҳуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиши мақсадида фойдаланиши тақиқланади».

3. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунининг **6-моддасига** асосан, «...Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиб тақиқланади... ».

4. Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг **6-моддасига** кўра, «...шахснинг ҳуқуqlари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиши шарт. Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас»-лиги кўрсатиб ўтилади.

#### **Тавсиялар:**

- Журналист ўзи тайёрлаган материалнинг мазмун-моҳияти учун жавобгар бўлиб, уни оммавий ахборот воситасида эълон қилишдан олдин материалнинг ҳаққонийлиги, холислигини текшириб кўриши, ўз мақоласи билан қаҳрамонларининг шахсий ҳаётига дахл қиласлиги зарур;
- Журналист ўз мажбуриятларини ёдда тутиши, касб ахлоқига риоя этиши, ижтимоий тармоқлар оммавий ахборот воситалари бўлмасада, улардан рўйхатдан ўтган инсон декларатив равишида унинг «эгаси»га айланишини, фойдаланувчига ўз шахсий маълумотларини ошкор этиш, сервиснинг бошқа фойдаланувчилари билан алоқага киришиш, ахборот тарқатиш ҳукуки берилади, яъни ижтимоий тармоқлар турли хил коммуникация турларидан фойдаланиш имкони берилишини билиши керак.

Айни пайтда Онлайн янгиликлар ассоциацияси (ONA) томонидан ижтимоий тармоқлар контенти орқали тарқатилаётган хабарлар билан ишловчи журналистлар учун ахлоқ кодексини яратди. Мазкур ахлоқ кодексининг асосий мақсади бутун дунё журналист ташкилотлари ёрдамида ижтимоий тармоқлар контенти билан ишлашнинг энг яхши намуналарини топиш ва журналистлар учун ҳаракат стандартларни тавсия

этишдан иборат. Ахлоқ кодекси ижтимоий медиа контентидан топилган янгилик билан ишлашнинг 10та ҳолатига бағишиланган.

Ушбу қоидалар қўйидагилардир:

- ижтимоий тармоқдаги сахифа контентининг ҳақиқийлигини текшириш;
- ўз аудиториянгиз билан шаффоф бўлиш;
- воқеа қатнашчилари ва гувоҳларнинг руҳий ҳолати ва хавфсизлигини инобатга олиш;
- ҳодисани ёритиш жараёнида қатнашчиларга қўшимча хавфни келтириб чиқармаслик;
- ахборот манбаларининг анонимлигини таъминлаш;
- хабарни тарқатишдан олдин ахборот манбаси ёхуд хабар муаллифининг розилигини олиш;
- ахборотнинг холислигини саклаш, чунки у бошқа онлайн платформаларга тарқалишини унутмаслик;
- воқеа хусусидаги хабарни жойлаштирган сахифа муаллифларининг жисмоний, маънавий ва руҳий фаровонлигини таъминлаш.

Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган журналистларнинг ишлаб чиқилаётган касб ахлоқи кодекси қабул қилинганича йўқ. Ишлаб чиқилаётган ахлоқи кодексига журналистнинг ижтимоий тармоқлар билан ишлаш қоидаси киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## **8-КЕЙС. СУВГА ТУШИРИЛГАН ФЕРМЕРЛАР ФОТОСУРАТ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ТАРҚАЛДИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ВА ЖУРНАЛИСТ-БЛОГЕРЛАР ТОМОНИДАН ҚОРАЛАНДИ**

2018 йил 27 октябрь куни ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари блокнот тутган олти кишининг ариқ сувида донг қотган ҳолати тасвирланган суратни муҳокама қилишиди. Шу куниёқ қатор оммавий ахборот воситалари Тошкент вилояти Оққўргон тумани, «Абдуносир Ғулом» фермер хўжалиги майдонида юз берган мазкур воқеани сурати билан чоп этишди.

ОАВда ариқда турган кишиларнинг исми ва фамилиялари, лавозимлари тўлиқ кўрсатилди. Маълум қилинишича, раҳбарлар галлани ўз вақтида сугормаган масъул ва фермерларни шу кўринишида жазолаган. Яъни галла экиш бўйича туман ҳокими ўринбосари боргандা, қилинган ишларнинг барчасини таҳлил қилмоқчи бўлган. Икки нафар фермер хўжаликлари раҳбарлари, ўзининг (қўл остидаги) ходимлари, сув хўжалиги бошлиги билан биргаликда далани сугормагани учун сувга тушишга мажбур этган. Аксарият оммавий ахборот воситалари ва блогерлар фермерларни сувда туришга мажбур этган раҳбарни «жиноятчи» деб, аташди.

Ўзбекистон Республикаси хуқуқий-демократик давлат қуришга интилаётган бир пайтда омманинг фикрини шакллантиришга оммавий ахборот воситалари билан биргаликда бир хил ҳисса қўшаётган ижтимоий тармоқлар, блогерлар халқаро қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг айрим моддаларини

кўпол равища бузиб, шунингдек, фермерларни сувга туширган раҳбар ҳамда фермерларларнинг хукуклари паймол этилган.

### **Хусусан:**

1. Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган)нинг **10-моддасида** «Ҳар бир инсон хуқук ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан қўриб чиқилиши хукуқига эга» эканлиги қайд этилади. Шунингдек, **11-моддада** «....Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро хукукларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-харакати ёки фаолиятсизлиги учун жазога хукм қилиниши мумкин эмас...», **12-моддада** «Ҳеч кимнинг шахсий ва оиласиий хаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз килиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниши хукуқига эга» дейилади.
2. Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисидаги халқаро пакт (Бош Ассамблеяниң 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган, 1976 йил **23 марта кучга кирган**)нинг **15-моддасида** «Ҳеч ким содир этилган пайтада давлатнинг амалда бўлган ички қонунчилиги ёки халқаро қоидага кўра жиноят ҳисобланмаган бирор-бир харакати ёки камчиликка йўл қўйганлиги учун жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши мумкин эмас».
3. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг **6-моддасида** «Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишchanлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий хаётига аралашиш тақиқланади».

### **Тавсиялар:**

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ва блоглар оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда ахборот тарқатиш орқали омманинг турли хил мавзуларда фикрини шакллантиришмоқда. Ушбу ҳолатларнинг юзага келмаслиги учун ОАВ вакилларига қўйидағи тавсияларга риоя этса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хусусан,

- Журналистлар, блогерлар аудиториянинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, унинг фойдаланувчига нисбатан адоватини кўзгатувчи шарҳларни ижтимоий тармоқлардаги ўз сахифаларига қўйишдан олдин, албатта, ахборот манбаларининг анонимлигини таъминлашлари, хабарни тарқатишдан олдин ахборот манбаси ёхуд хабар муаллифининг розилигини олишлари, ахборотнинг холислигини саклашлари ва у бошқа онлайн платформаларга тарқалишини унутмасликлари, воеа хусусидаги хабарни жойлаштирган сахифа муаллифларининг жисмоний, маънавий ва руҳий фарновонлигини таъминлашлари жоиз;
- Ижтимоий тармоқлардаги ўз сахифаларида фикрларини билдираётган фойдаланувчиларнинг фуқаро сифатида хукукларини ҳурмат қилишлари ва уларнинг бузилишига йўл қўймасликлари зарур;

- Интернет сайtlари ва ижтимоий тармоклар орқали жамият ичидаги парокандаликни келтириб чиқарувчи ҳар қандай сохталаштирилган хабарлар (фейк-ньюслар)ни тўғрисидан ажратиш учун медиасаводхонлик асосларидан хабардор бўлишлари керак;
- Ижтимоий тармокларда ўз фаолиятини олиб бораётган журналистлар эса ҳар қандай фукарони айблашдан олдин, воқеани мукаммал ўрганиб, таҳлил этиши, журналистиканинг холислик тамойилига риоя этиши тавсия этилади.

## **9-КЕЙС. ФРАНЦИЯДАГИ ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ҚУРБОНЛАРИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИГА ҚАРШИ ЧИҚИШДИ**

2015 йили Францияни қатор террорчилар ҳаракатлари ўз гирдобига тортиб, ўнлаб тинч аҳолининг ҳаётига зомин бўлди. Террорчилар 2015 йил 7 январда Charlie Hebdo сатирик журналининг таҳририятига хужум килишдан бошлашди. Қуролланган ака-ука террорчилар таҳририят биносига бостириб кириб ўт очишган. Оқибатда 12 нафар киши ҳалок бўлган. Шунингдек, ўша йилнинг 9 январь куни мазкур террорчилар Париж яқинидаги Даммартен-ан-Гоэл шаҳарчасидаги босмахонага бостириб кириб, ходимларни гаровга олишгач, кутқарув операцияси давомида полициячилар томонидан ўлдирилган. Гаровга олингандардан бири, босмахона ходими мазкур террорчилек ҳаракатини ёритган France 2 ва TF1 телеканалларини ҳамда RMC радиостанциясини судга берган. Ходим ўз даъвосида террорчилар босмахонага бостириб киришганида у кўл ювишга мўлжалланган раковина тагидаги шкаф ичига яшириниб, у ерда 8 соат жон сақлаганини, аммо телеканал ва радиостанция журналистлари жонли эфирда босмахонада яна бир ходим борлигини айтиб, террорчиларни «бу ҳақда огохлантириб, унинг ҳаётини хавф остида қолдирганликларини» айтади. Шунингдек, 2015 йилнинг апрель ойида Франциянинг олти нафар фуқароси BFM-TV телеканалини, «террорчиларга ёрдам берганлиқда айблаб», судга беришади. Маълум бўлишича, 2015 йилнинг январь ойида улар террорчи томонидан Париждаги Hyper Cacher дўконида гаровга олинишган. Телеканал журналисти воқеа жойидан олиб борилган жонли эфирда «дўконнинг музлаткичидаги террорчидан яшириниб бир гурух одамлар, шу жумладан икки нафар бола ҳам жон сақлаётганини» айтган ва шу орқали уларнинг ҳаётини хавф остига кўйган.

Собиқ гаровдагилар телеканални «инсонларнинг ҳаётини хавф остига кўйиш ва ва онгли равишда хавфсизлик қоидаларини бузиш»да айблашган. Мазкур воқеа жараёнида телевизион ва радиожурналистлар инсон ҳукуқлари билан боғлиқ қўйидаги ҳалқаро қонунчилик меъёрларини бузишган.

### **Хусусан:**

1. Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларациясининг (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган) **3-моддасида** «Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳукукларига эгадир», дейилади.
2. «Фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисида»ги ҳалқаро Пактнинг(Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-

сонли резолюцияси билан қабул қилинган, 1976 йил 23 марта күчга кирган) **6-моддасида** «Яшаш хукуки хар бир инсоннинг ажралмас хукуқидир. Бу хукук конун билан химояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшастан маҳрум қила олмайди», дега қайд қилинган.

3. «Гаровга олинишга қарши кураш тўғрисида»ги халқаро Конвенция (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган) **1-моддасида** «Хар қандай шахс, а) гаровга олиш ҳаракатини амалга оширишга интилса ёки б) гаровга олиш ҳаракатини амалга оширишга интилаётган ҳар қандай шахсга шерик сифатида қатнашса мазкур Конвенция максадлари учун жиноят содир этган ҳисобланади», дейилади.

### **Тавсиялар:**

Террорчилик ҳаракатларини ёритиш медиа ва журналистлар учун ўзига хос синовдир. Чунки мудхиш воқеа содир бўлгач, ОАВ бир бирига қарама қарши бўлган, ижтимоий тармоқлар, расмий манбалардан келиб тушаётган маълумотлар ичида кўмилиб кетиши ҳеч гап эмас. ОАВнинг террорчилик ҳаракатини шошилинч билан ёритиши террорчилар учун кўл келади ва аудиторияда саросимагарчилик, кўркувнинг кучайишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун турли мамлакатлар хавфсизлик чораларини кўришади. Масалан, Туркия хукумати 2016 йил 17 февраль куни Анқарада содир этилган ва 28 нафар инсон хаётига зомин бўлиб, 60 одамни жароҳатлаган террорчилик ҳаракатини ёритишни оммавий ахборот воситаларга тақиқлади. *Mediakritika.by* сайти террорчилик хуружлари ва уларнинг оқибатларини ёритиш юзасидан медиага берилган турли тавсияларни таҳлил қилиб, улар орасидан энг кўп учрайдиганларини жамлади:

- ОАВ ва журналистларга ОАВ тўғрисидаги ҳамда терроризм қарши кураш тўғрисидаги амалдаги миллий конунчиликка қатъий риоя этиш тавсия қилинади;
- ОАВ ўзининг ҳаммабоп эканини, ўша «ҳамма»нинг ичида террорчилар ҳам борлигини унутмаслиги керак. Уларнинг ОАВдаги хабарга муносабати қандай бўлишини олдиндан билиб бўлмайди;
- Террорчиликка қарши амалиётларни батафсил ёритишдан қочиш керак;
- Инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиши жамиятнинг ахборот олиш хукуқидан кўра мухимроқ эканини ҳар доим ёдда тутиш зарур. Бундай ҳолларда хавфсизлик нуқтаи назаридан ахборотнинг маълум қисми очиқланмаслигини ошкора айтиш лозим;
- Ўзининг вазифаси аҳоли орасида вахима ва саросима уйғотиш эмас, балки жамоатчиликка ахборот етказиш эканини унутмаслик керак. Шу боис журналист айтиётган, ёзаётган гапининг нафакат мазмунига, балки оҳангтига ҳам эътиборли бўлиши лозим;
- Воқеани ёритиш жараённада инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун масъул бўлган хукуқ-тартибот идоралари, тибиёт ходимлари ва шу каби бошқа идораларнинг ишига ҳалакит бермаслиги керак;
- Гаровда одамларни ушлаб турган террорчиларни қасдан ҳақорат қиласлик ва камситмаслик керак. Бу нарса гаровдагиларнинг ҳаётини хавфга қўйиши мумкин;
- Шафқатсизлик ва ваҳшийлик саҳналарини ёритишда ортиқча шов-шув ва табиийлик ортидан кувмаслиги, ўз аудиториясини Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясининг 18, 27, 31 моддаларига асосана хлоқий ва диний қарашларини хурмат килиши зарур;

- Болалар ва катталар ўртасидаги қурбонларни ёритишдаги ахлоқий мөъёрларга риоя этишлари лозим;
- Таҳликали вазиятда ўз зиммасига воситачи вазифасини олмаслиги керак.

## 10-КЕЙС. ВАЗИР ЖУРНАЛИСТНИ СУДГА БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири жисмоний шахс сифатида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси нашри «XXI аср» газетасида «Вазир матбуот эркинлигини қандай тушунади?» сарлавҳали чоп этилган мақоласи юзасидан унинг муаллифини судга берди. Мақолада журналист томонидан вазирнинг шахсиятига тегилган. Хусусан мақолада вазир куйидаги тавсифланган: «...Биринчидан, вазир Президент номидан иш кўрмоқда ва шу пайтгача бошлаган иши бўйича унга ҳеч ким эътиroz билдиргани йўқ. У системадаги барча раҳбарларни алмаштириб бўлди. Юқоридаги қарордан биринчи мақсад энди таълим нашрлари раҳбарларини ҳам алмаштириш ва шу баҳонада таҳририятлардаги кадрларни ўз сиёсатига қарши чиқмайдиган янгилари билан ўзгартиришни кўзламоқда. Иккинчидан, у вазирликдаги собиқ молиячиларнинг гоясини ривожлантириб қабул қилди. Негаки, аввалгиларнинг наздида «Маърифат» газетаси бош муҳаррирининг маоши вазирнидан кўп эди (улар турли баҳоналар билан таҳририятнинг ҳисоб-китобини узлуксиз равишида текшириб боришарди, охирги пайтларда турли ёрдам пуллари, мукофот беришни тўхтатиб қўйишганди, бунинг натижасида тажрибали журналистлар кетиб қолишганди). Лекин бу муаммо ҳал этилди, яъни янги вазир вазирлик ходимлари маошини бир неча баробар оширишга эриши. Аммо газета таҳририяти таълим тизимини доим танқид қилиб, унинг ишига тўғаноқ бўлмоқда, деган иддао сақланиб қолди. Шунинг учун бугунги вазирга таҳририядта таълим системасини биладиган қайсар журналистлар ишлашидан кўра вазирнинг имижини яратадиган, айтган гапларини (нотўғри бўлса-да) кўллайдиган ҳайбарақаллачи «компьютерчи робот»лар керак. Вазирлик собиқ ходимининг фикри кишини ўйлантириб қўйди. Унинг фикрича, Ш.Шерматов газета ўқимайди (эскилик саркити эмиш). У интернет ошифи. Сайтлар билан ишлайди. Замонавий ўзбек. Орзуси катта – ҳар бир ўқитувчи кўлида охирги русумдаги планшет бўлишини, ўқитувчи билан шахсан мулоқот килишни, гояларини етказишини хоҳлайди. Ҳали жойлардаги аҳвол, муаллимлар даражаси жавоб бермаса-да, бунинг ёмон жойи йўқдек. Ниятига етсин, албаттa».

Вазир Би-би-сига берган интервьюсида «Вазир матбуот эркинлигини қандай тушунади, деб бевосита менинг шахсиятимга боғланган мақолалар чиқишини бошлади. Бу нарсалар менимча яхшимас» деган.

Газета таҳририяти макола муаллифига нисбатан Халқ таълими вазирининг муносабати ва таҳририятнинг раддияларини ҳам эълон қилган ва аввал мақолада эълон қилинган фикрларни «ҳақорат» ва «туҳмат», деб топиб, таҳририят номидан вазирдан расман узр сўраган. Муаллиф мақолада вазирнинг шахсиятига ҳам ўтиб кетган. Вазир ҳам бундай фикрларни оммавий тарзда эълон қилинганидан норози бўлиб, ўз хукукларидан фойдаланиб, фуқаро сифатида газетани судга берган. 6 апрель куни суд

бўлиб ўтди. Ўзининг даъво аризасида вазир суддан ўз шаъни, обрўэтиборини ва фаолиятидаги номини ҳимоя қилишни ва «XXI аср» газетаси томонидан етказилган маънавий зарарни қоплашни сўраган. Суд вазир даъвосини қаноатлантирган.

Мазкур мақола орқали журналист халқаро қонунчилик месъёрлари ва Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонун моддаларини бузган.

### **Хусусан:**

1. Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясининг (1948 йил 10 декабрь, 217 А (III)) **7-моддаси** да «Барча одамлар қонун олдида тенгdir ва хеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳукуқига эгадир. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундейдиган ҳар қандай гижгижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳукуқига эгадир» дейилади. Шунингдек, 8-моддада «Ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳукуқлари бузилган холларда нуфузли миллый судлар томонидан бу ҳукукларнинг самарали тикланиши ҳукуқига эга» эканлиги қайд этилган.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **27-моддасида** қайд этилишича, «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳукуқига эга...» дейилади.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунининг **6-моддасига** асосан, «...Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-кимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиб тақиқланади...».
4. Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг **6-моддасига** кўра, «...шахснинг ҳукуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-кимматини хурмат қилиши шарт...» лиги кўрсатиб ўтилади.

### **Тавсиялар:**

- Журналист ўз материали билан қаҳрамонларининг шахсиятига тегмаслиги, фуқароларни ҳақоратламасиги зарур;
- Журналист амалдор ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эканлигини ёдда тутиб, унинг ҳукуқларини хурмат қилиши лозим;
- Журналист ўз мажбуриятларини ёдда тутиши, касб ахлоқига риоя этиши лозим;
- Журналист шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари мутаносиблигига риоя қилиши керак.

## **11-КЕЙС. АКТРИСА ЯНГИЛИКЛАР САЙТЛАРИНИНГ БИРИ ҚИЛГАН ТУҲМАТ ТУФАЙЛИ ТАҚИҚҶА ТУШИРИЛДИ**

Ўзбек киносининг таниқли актрисаси янгиликлар сайтларининг бири туҳмат қилгани туфайли соғлиғи ёмонлашганини ўз интервьюсида айтди. Маълум бўлишича Ўзбекистонда машҳур сайтлардан бири «Актриса «КВН» ўйинларида ўзбек миллатининг устидан кулди! Шунинг учун лицензиясини олиб қўйиши» деган хабарни эълон қилган. Актриса «Мен шундай иш қилганимда, бу аллақачон ижтимоий

тармокларга тарқаб кетган бўлмасмиди? Бунинг устига, нега мен ўз миллатимни кулгуга оламан, бу менга нима учун керак? Ўша сайтни дея қанча ҳақорат эшидим, ҳатто пўписа қилганлар мени тузини еб тузлуғига тупурганликда айبلاغанлар хам бўлди. Номимни оқлайман, ноҳақ гап қилишганини исботлайман, деб Россиянинг «Биринчи канали» раҳбариятидан «КВН»даги ҳар бир саҳна чиқишининг монтаж қилинмаган ва тайёр нусхаларини ёздириб олдим. Ижтимоий сайтга жойланган видеотасмаларни йигдим, мақсадим ўша сайтни судга бериш эди. Негаки «Ўзбекконцерт» уюшмасининг тақиққа тушириши мени «КВН»да иштирок этишим билан боғлиқ эмасди. Аммо продюссерим мени «Яна гап қилишади, судмасуд юрибди. Сизга шов-шув керакми?», дея судлашишдан қайтарди. Оқибатда, актриса депрессияга тушиб қолган ва бу холат унинг ижодига каттиқ салбий таъсир кўрсатган.

Глобаллашув, ахборот жамияти шаклланаётган бир шароитда, айниқса, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига дахл қилишдан, шахсий ҳаёта аралashiшдан химояланишга бўлган хукуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиш тобора долзарб аҳамият қасб этиб бормоқда. Мамлакатимиз қонунчилигига фуқаролар ва юридик шахсларнинг ишчанлик обрўсими химоя қилишга оид хукуқларини таъминлашга қаратилган қоидалар ўз акс топган, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирловчи ёлғон маълумотларни била туриб тарқатганлик сингари тухмат ва ҳақорат учун жавобгарлик белгиланган. Сўз эркинлиги инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилиниши бўлган хукуқидан устун бўлиши мумкин эмас. Мазкур ҳолат юзасидан янгиликлар сайтининг журналисти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг айрим моддаларини қўпол равишда бузишган.

### **Хусусан:**

1. «Журналистик фаолиятни химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг **6-моддасида** ўз қасбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист «...ўзи тайёrlаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши» кераклиги белгилаб қўйилган.
2. **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасида** «Тухмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиласидан уйдирмалар тарқатиш...», «...Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши» қади өтилган.
3. **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддасида** «Тухмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш» энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

### **Тавсиялар:**

- Журналист фактларни текширмасдан туриб, нотўғри ахборот тарқатиши ёлғон хабарларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда у «Ўзбекконцерт» бирлашмасидан аниқ маълумот олиб, актриса фаолиятига нега тақиқ қўйилганлиги аниқланиши лозим эди;

- Журналист ўз фикрини оммабоп тарзда ифода этишдаги малакасизлик, уқувсизлик субъективлик билан қўшилиб энг аввало холисликка путур етказган. Бундай ҳолатда хабар муаллифининг ахбороти тухмат кўринишга эга бўлиб, актрисанинг шаъни ва соғлиғига путур етказган. Демак, журналист ҳар қандай хабарни тезкорлик билан тарқатиш жараёнида аввало унинг ахборот қаҳрамонига қай тарзда таъсири этиши, унинг ҳуқуқлари паймол этилиши мумкинлигини ўйлаб кўриши зарурир;
- Ўзбекистонда сўнгги йилларда онлайн журналистиканинг ривожи билан бевосита интернет сайтларда журналистнинг касбий ахлоқ меъёрларига риоя этилмаётганинги кузатиш мумкин. Бунинг олдини олиш учун одоб доирасида фойдаланиш муносабатларини тартибга соладиган, бошқарадиган, йўналтирадиган интернет журналисти ахлоқ меъёрлари ишлаб чиқилмоғи, улар кенг тарғиб этилмоғи керак.

## **12-КЕЙС. «ОЗОДЛИК» РАДИОСИННИНГ ЖУРНАЛИСТИ ЁЛГОН ХАБАР ТАРҚАТИБ, ҲОКИМЛИК ВА ШАХС ШАЪНИГА ПУТУР ЕТКАЗДИ**

«Озодлик» радиосининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида «Андижонлик тадбиркор ҳокимга қип-ялангоч ечиниш билан норозилик билдири» сарлавҳаси остида мақола эълон қилинди. Вокеа тафсилотига кўра, Асака шаҳар ҳокими томонидан дўкони бузилаётган пайтда дўкон эгаси унга норозилик тарзида қипялангоч ечиниб, ерга ётиб олган». Аслида эса гувоҳларнинг айтишича, ўша куни дўкон ёнидаги йўл ўртасига кутилмагандага бир йигит ўтириб олган. Унга қарши келган автомашиналар тирбандлик ҳосил қилган. Шунда вокеа жойига худуд профилактика инспектори етиб келган. Уни ўрнидан қўзгатмоқчи бўлган. Бироқ йигит аксига олиб, ечиниб, ерга ётиб олган. Сўнг бошқа ички ишлар ходими кўмаги билан йигитни ўзлари бошқарувидаги автомашинага солиб, олиб кетишиган. Дўкон бузилиши ҳақида ҳеч қандай кўрсатма ҳам бўлмаган. Суриштирув олиб борилганда унинг опаси йигитнинг руҳий касаллиги туфайли вилоят психоневрология диспансерида назоратда туришини айтган. Аёл ўз интервьюсида «Озодлик» радиосини оила шаънига доғ туширишда айблади. «Ўша куни бўлган вокеага келсан, очиги, бизнинг пайнетимиз йўқ, ҳокимиятта ҳам ҳеч қандай даъво, эътиrozларимиз йўқ. Онамиз яқинда 80 ёшни қаршилади. Бу гапларни ҳали эшитмади. Билиб колса, ҳоли нима кечади? Шунинг учун ҳам интернетда нотўғри маълумот тарқатганларни судга бериш ниятим бор. Укамнинг ожиз томонини ҳаммага кўрсатиш билан нимага эришмоқчи бўлишганди?! Ахир бунинг ортидан бутун бир оиласиз номи булганди, таҳқирланди-ку. Ҳатто чет элларда ҳам укамга ўхшаганларга одамлар ёрдам кўрсатишади, расмга олиб тарқатиш у ёқда турсин, аҳволига қайгуришади. Бизда эса жиддий кўмакка муҳтож одамнинг устидан кулишди, уни масхара қилиш учун ҳатто уялмасдан ҳокимликка ҳам тухмат қилишди. Ёки бўлмаса, ҳокимиятда ишлайдиганлардан ўч олиш учун шу вокеадан унумли фойдаланишди. Нима, буларга битта инсоннинг тақдирни шунчалар ўйинчоқми?».

«Озодлик» радиосининг журналисти фактларни текширмай, ёлғон ахборот бериш орқали халқаро ва Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонун моддаларини бузган.

### **Хусусан:**

1. Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинганд)нинг **5-моддасида** «Ҳеч ким қийнокка ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак» дейилади.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг **6-моддасида** «Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади», деб белгиланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 215-сонли қарорида «... инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотларни тарқатилиши тақиқланади» дейилган.

### **Тавсиялар:**

- Журналист бирор маълумотни эълон қилишдан аввал мутасаддилар билан учрашиб, воқеага ойдинлик киритиши, 2-3 та ахборот манбасидан фойдаланиши, фактларни текшириши лозим;
- Аниқ ахборот олиш, уни тўғри етказа билиш бугунги кун журналистининг шиори бўлиши керак;
- Журналистлар эса ҳар қандай фуқарони айблашдан олдин, воқеани мукаммал ўрганиб, таҳхил этиши, журналистиканинг холислик тамойилига риоя этиши, журналистик суриштирув тамойилларига риоя этиши тавсия этилади;
- ОАВ вакиллари интернет орқали ўзаро алоқада ёлғон, уйдирма хабарлар, сурат, аудио ва видео маҳсулотларини тарқатиш журналистнинг касбий ахлоқ меъёrlарини бузилишига олиб келинишини унутмаслиги лозим;
- Журналист ўз ҳаракати билан бирорнинг соғлиғи, ҳатто ҳаёти учун масъулиятни ўз зиммасига олаётганлигини тушунмоғи даркор;
- Ўзбекистонда интернет хуружларига қарши бўлган мавжуд механизмни такомиллаштириш керак.

**Анора Содиқова, Наргис Қосимова**

## **АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТҮПЛАМИ**

Журналистларнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
органлари билан ҳамкорлиги масалалари

**Масъул мұхаррір: Гульнора Бобожонова**

Мұхаррір: **Ф. Толипова**

Компьютерда тайёрловчи: **З. Арабшоева**

Нашриёт лицензияси AI № 263 31.12.2014 Босишига  
рухсат этилди 00.00.2019 й. Бичими 70x100 1/16 «Times New  
Roman» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Босма табоги 2,2. Адади 500 нұсха.

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25 тел.:  
+998 (71) 233-23-84

ООО «Yangi Fazo Print» босмахонасида чоп этилди  
Манзил: Ташкент, Афросиёб кўчаси, 41.  
Tel.: + 998 (71) 252-60-80  
Буюртма № 917